Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
7 июнь
ЧОРШАНБА
№ 46 (12994)
www.thtp.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОСТОНА ШАҲРИДА ЎТАДИГАН ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 8-9 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Остона шаҳрида ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиши, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашиши, 2017-2018 йилларда ташкилотга раислик қиладиган давлат масаласини кўриб чиқиши кутилмоқда.

ШҲТнинг Тошкент саммити қарорларини амалга ошириш доирасида Остона шаҳрида Ҳиндистон ва Покистонни ташкилот аъзолигига қабул қилиш жараёни ниҳоясига етказилади.

Ўзбекистон Президенти Остона шаҳрида «EXPO – 2017» ихтисослаштирилган халқаро кўргазманинг расмий очилиш маросимида ҳам иштирок этади, қатор хорижий делегациялар раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказади.

ДАСТУРЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАЙДИ

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиёт йўлида барча соҳаларни либераллаштириш, модернизация қилиш, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини янада юксалтириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

Вилоят ҳокимлигида





Айни пайтда бутун мамлакатда бўлгани каби вилоятимизда ҳам шу асосда кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни изчил давом эттиришга қаратилган устувор йўналишлар белгиланиб, уларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш бўйича барча давлат ва жамоат ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйилмоқда.

Бу фикрлар кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган Ҳаракатлар стратегиясининг Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича ҳамда Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича вилоят Комиссияларининг навбатдаги йиғилишида алоҳида таъкидланди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Аҳмедов бошқарди.

Давра суҳбати тарзида ўтказилган мулоқотда сиёсий партияларнинг вилоятдаги етакчилари жойларда ислоҳотларнинг боришини ўрганиш, халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятни тубдан такомиллаштириш борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Бошқармалар, ташкилотлар, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти шаффофлигини таъминлаш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг муҳим омили эканлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар, бу борадаги ютуқ ва муаммолар атрофлича таҳлил қилинди. Хусусан, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ишларга ҳаққоний баҳо берилиб, мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.

Ўз мухбиримиз.
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.

2017 йилнинг иккинчи ярми учун
«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»
газеталарига обуна давом этмоқда!



Ёзни ҳаммадан кўпроқ болажонлар орзиқиб кутишади. Мактабдаги сабоқларни якунлаб, таътилга чиққан ўқувчилар севимли масканлари – ёзги оромгоҳлар томон ошиқадилар. Янги дўстлар, тоғ ён-бағирларига саёҳат, кўнгилочар ўйинлар... Хуллас, унда ўтган ҳар бир кун унутилмас таассуротларга бой бўлади. Бугун эса ана шундай қувончли кунлар етиб келди. Оромгоҳларда дам олишнинг биринчи мавсуми очилди.

БАХТИЁР БОЛАЛИК ҚУВОНЧЛАРИ



Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Вилоятимиз ҳудудидаги оромгоҳлар мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган болажонларни ўз бағрига олишга шай. Тошкент Марказий темир йўл вокзалида дам олиш учун келган хоразмлик 450 нафар ўғил-қиз тегишли мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан кутиб олинди. Улар Тошкент вилоятининг сўлим масканларида жойлашган "Меҳржон" ва "Бойчечак" болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришади.

– Ўрта Чирчиқ туманидаги оромгоҳимизда дам олувчилар учун барча шароит муҳайё этилган. Йил давомида ўқиш билан банд бўлган болалар ёз мавсумида мароқли дам олишни истайди. Демак, оромгоҳда ўтган ҳар бир кун улар учун унутилмас бўлиши керак, – дейди "Меҳржон" болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Олимжон Турсунбоев. – Шуларни ҳисобга олган ҳолда бу йил ҳам дам олиш масканимизда кўплаб кўнгилочар ва спорт тадбирларини ўтказишни режалаштираяпмиз.

Спорт мусобақалари, фестивеллар, турли кўрик-танловлар, таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурлари шулар жумласидандир. Шунингдек, чет тили, хореография, бисер тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, расм чизиш, кулолчилик, шахмат-шашка тўгаракларида ҳам болажонлар бўш вақтини мазмунли ўтказишади.

– Кела-келгунча юртимизнинг гўзал ва мафтункор манзараларини шавқ билан томоша қилиб, зерикиш нималигини ҳам билмадик, – дейди Гурлан туманилик Қиличбек Каримов. – Сўлим маскандаги оромгоҳда дам олиш имконига эга бўлганимдан бениҳоя хурсандман.

Болажонлар бирин-кетин автобусларга чиқиб, оромгоҳлар томон йўл олишди. Ҳадемай, вилоятимиз уларнинг шодон кулгулари, қувноқ қийқириқларидан янада файзли бўлади. Бола кулгуси янграган жойдан эса, қутбарака аримайди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Кичик бизнес

Юртимизда бунёдкорлик кўлами кенгайиб бораётгани туфайли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳам катта эҳтиёж сезилмоқда. Ўрта Чирчиқ туманидаги полистеролбетондан қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Nortec Company" масъулияти чекланган жамияти юқори сифатли маҳсулотлари билан харидорлар эътиборига тушди. Хусусан, корхона йил бошидан буён 250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

Тадбиркорларга яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланаётган Абдусамад Ҳамдамов 2013 йилда норвегиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 1 млн. 200 минг АҚШ долларилик хорижий инвестиция жалб қилишга эришди. Ҳозир корхонада янги қурилаётган бинолар учун махсус полистеролбетон блоклари, тўсиқ деворлар, хоналардаги иссиқликни сақловчи пол қоплама ва шу каби 10 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.



Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

Бино қуриш ва таъмирлашда кенг фойдаланиладиган ушбу хом ашё алоҳида хусусиятга эга. Полистеролбетондан ривожланган мамлакатлар қурилиш соҳасида кенг фойдаланади.

Давоми 2-бетда.

БИБИҲОЖАР ЧЕВАР БЎЛМОҚЧИ

Оҳангаронлик чевар Дармонжон Курязова тикув цехи очишни ният қиларди. Тумандаги "Адолат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хосият Маъмурбоева бу саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватлагач, ишлар бошланиб кетди. Маҳалла марказидаги 24-уйнинг биринчи қаватидаги бўш хоналарда цех учун жой ҳозирланди.

Интилиш

– Набирам Бибиҳожар 7 ёшда. У тикувчи-дизайнерликка қизиқади. Келиним Мавжуданинг ҳам тикувчилик касбига ҳаваси баланд. Улардаги интилишни кўриб, ушбу цехни очдик, – дейди Дармонжон Курязова.

Маҳалла раисининг таъкидлашича, ҳудудда фаолият бошлаган бу цех аҳолига арзон ва сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга янги иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшмоқда. Тадбиркор фаолият турини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида тижорат банкининг туман филиалидан кредит олиш ниятида.

Райҳон САЛАЕВА,
Оҳангарон тумани.

Мурожаатдан сўнг...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасидаги тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида таъкидланганидек, таъминотчи ва истеъмолчиларнинг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги, ижро интизомига риоя қилмаслиги оқибатида тўпланиб қолган катта қарздорлик ҳамда бошқа жиддий камчилик ва нуқсонлар электр энергетика ва газ тармоқларини изчил ривожлантириб боришга тўсқинлик қилаяпти. Ваҳоланки, ёқилғи-энергетика мажмуасини модернизация қилмай, замонавий технологиялар билан қайта жиҳозламай туриб, мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларини жадал ривожлантириб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириб бўлмайди. Катта маблағ талаб қиладиган бу муҳим вазифанинг мукаммал ижроси коммунал тўловларнинг вақтида тўланишига бевосита боғлиқдир.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМИША ҲАҚ, АММО...

Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига тушган мурожаатлар муҳокамасига бағишлаб Ангрен шаҳрида ўтказилган сайёр учрашувда қатнашган фуқароларнинг аксарияти тадбир ташкилотчилари олдига "Газ ва электр таъминотидаги муаммоларнинг охири борми?" деган саволни кўндаланг қўйдилар. Аҳолининг ушбу ташвишини тушуниш мумкин. Зеро, кўпдан бери тақрор ва такрор айтилаётганига қарамай, газ ва электр таъминоти корхоналари ходимлари хонадонма-хонадон юриб, пул йиғишни ва энг ёмони, бу маблағларнинг бир қисмини ўзлаштириб юбориб, истеъмолчиларни ноқонуний қарз қилиб қўйишдан ҳамон тийилмаяптилар. Шу билан бирга фойдаланилган газ ва электр энергияси ҳақини йиллар давомида тўламай, миллион сўмлаб қарзга ботаётган хонадон эгаларини ҳам ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Тўғри, "Истеъмолчи доимо ҳақ" деган нақл бор. Аммо, электр ва газ ҳақини маҳаллаларга бириктирилган ходимларга бермай, жойларда очиб қўйилган банк кассалари ва бошқа қабул пунктларига тўлаш лозимлиги телевидение орқали ҳар куни огоҳлантирилаётганига қарамай, аксарият лоқайд фуқаролар банк бўлимига боришдан эриниб, пулларини ҳафта сари эшик тақиллатиб келадиган ходимлар қўлига тутқазмоқдалар. Айримлар эса, ҳақиқатан ҳам қарздор бўлатуриб, Халқ қабулхоналарига мурожаат қилаяптилар. Оқибатда, кўплаб масъул раҳбарлар шу лоқайдлик боис вақтларини беҳуда сарфлашга мажбур бўлишмоқда.

Давоми 2-бетда.

«ЯГОНА ДАРЧА»:

ЎТТИЗ ДАҚИҚА КИФОЯ

Вилоятимиз туман ва шаҳарларида ташкил этилган "Ягона дарча" марказларининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланиб, интернет тармоғига уланган ўз бизнесини ташкил этиш ниятида бўлган юртдошларимиз учун янада қулайлик яратмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 1 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги "Ягона дарча" марказларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилгани ўз самарасини бераяпти.

Буни Бекобод туманида фаолият кўрсатаётган "Ягона дарча" маркази мисолида ҳам кўриш мумкин. Марказ доимо гавжум. Бу ерда ҳар бир фуқаро ишдаги тартиб, мижозга эътибор, хизмат кўрсатишдаги жонкуярликнинг гувоҳи бўлади. Марказ ҳуқуқшунослик, иқтисод, солиқ ва молия соҳаларида етарли малакага эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўзлаштирган кадрлар билан таъминлангани иш самарадорлигини оширмоқда.

– Тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган, – дейди "Ягона дарча" маркази директори Убайдулла Мирзаев. – Ходимларимиз томонидан муҳандислик-коммуникация тизимига уланиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, тураржойни нотураржой тоифасига ўтказишга рухсат бериш каби 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Давоми 2-бетда.

КАСАНАЧИЛИК – ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

Мамлакатимизда меҳнат бозорини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида аҳолининг бандлик даражаси ошмоқда. Янги иш ўринлари ташкил этишда уй меҳнатининг барча шакллари, хусусан, касаначиликни ривожлантириш муҳим ўрин тутаётир.

❑ Қарор ва ижро



Вилоятимизда ўтган йили касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 2 минг уч юздан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган.

– Касаначилик ишлаб чиқариш корхоналари нисбатан кўп ҳудудларда яхши ривожланади, – дейди вилоят бандлик бош бошқармаси масъул ходими Фаёзиддин Пўлатов. – 2016 йили шундай ҳудудлар сирасига киритиш мумкин бўлган Зангиота, Қибрай, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманлари, Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ ва Ангрен шаҳарларида тўқсон битта лойиҳа амалга оширилиб, касаначилик асосида бир минг икки юздан кўпроқ иш ўрни яратилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Дарҳақиқат, вилоятда банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишнинг самарали воситаларидан бири бўлган касаначиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 майдаги "Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Айни кунда Чирчиқ шаҳрида уй меҳнатининг барча шакллари бўйича саккиз юз нафарга яқин киши меҳнат қилаётир. Уларнинг элликдан зиёди шаҳардаги корхоналарда касаначилик асосида фаолият юритади.

Шаҳарга туташ ҳудудда яшовчи Элмурод Иногомов бир неча йилдан бери "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамиятига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – картошка, пиёз, сабзи, помидор, бодринг каби полиз маҳсулотлари етказиб бериш орқали даромад қилмоқда.

– Илгари томорқамиз деярли қаровсиз эди, – дейди Элмурод. – "Максам-Чирчиқ" билан шартнома тузганимиздан кейин ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Оиламизга келаётган қўшимча даромад ҳам шунга яраша бўлаётир. Турмуш фаровонлигимиз ошиб бормоқда. Уй меҳнатининг ушбу шакли – касаначилик асосида эмин-эркин ишлаш учун етарлича шароит яратиб берилганидан миннатдормиз.

Бекобод шаҳар бандликка кўмаклашиш марказидан олинган маълумотга кўра, бу ерда 2016 йили 160 киши касаначилик асосида ишга жойлашган. Ҳозирги кунда "Ўзбекистон металлургия комбинати" – "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятида 184 нафар касаначи меҳнат қилади. Улар ишлаб чиқариш ривожига ҳисса қўшаётганидан мамнун.

– Ҳозир асосан иш кийимлари тикамиз, – дейди "Ўзметкомбинат" касаначиларидан бири Мавлуда Мусаева. – Уйда ишлаш қулай ва фойдали. Қулайлиги – бола тарбияси ва рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда, уй шароитида меҳнат қиламиз. Қўшимча даромадга эга бўлаётганимиз, тегишли тартибда ижтимоий ҳимояга олинганимиз эса касаначиликнинг фойдали жиҳатларидандир.

Юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Бугун Мавлуда сингари кўплаб юртдошларимиз мисолида "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик" деган нақлнинг ҳаётий исботини кўраяпмиз.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМИША ҲАҚ, АММО...

Хусусан, Ангрен шаҳри, Зарбулоқ кўчасидаги 31-уй соҳибаси Тўлқиной Қаршиева электрдан қарзи йўқлиги, тўлов ҳужжатлари тўлиқ эканига қарамай, электр таъминоти уни судга берган, ойлик маошининг 50 фоизи суднинг қарори билан ушлаб қолинганидан норози бўлиб мурожаат қилган-у, аммо тегишли ҳужжатларни тақдим этмаган. Шаҳар электр тармоқлари корхонасининг керакли ҳужжатларни тақдим этиш учун ёзма жавоб хатидан сўнг мурожаатчи эътирози йўқлигини билдирди...

– "Иссиқлик манбаи" корхонаси мени ҳеч қандай асоссиз қарздор қилиб қўйибди, – дея мурожаат қилди Ангрен шаҳри, 6/4 даҳасидаги 42-уйда яшовчи Феруза Сайназарова.

Мазкур мурожаатда баён этилган ҳолатлар ўрганилганда маълум бўлдики, фойдаланилган иссиқлик энергияси учун ҳисобланган қарздорлик асосли экан. Хонадоннинг шахсий ҳисобга олиш ускунаси рўйхатдан ўтказилиб, истеъмолчининг мурожаати адолатли ҳал этилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сайёр қабул жараёнида кўриб чиқилган жами 18 та мурожаатнинг 5 таси коммунал хизмат тўловлари билан боғлиқ муаммоларга тааллуқли бўлса, 4 таси бандлик масаласига оид эди. Табиийки, ушбу мурожаатларни ижобий ҳал этиш учун бор имкониятлар ишга солинди. Жумладан, Оҳангарон тумани, Қорахитой қишлоғилик Мадина Адҳамова мурожаати ўн кунлик муддат ичида ҳал этилиб, "ENERGO AGRO TARAQQIYOT" масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлаштирилди.

Ангрен шаҳри, Хаккарман кўчасидаги 83-уйда яшовчи Мунира Йўлдошева маълумоти ўрта бўлгани боис иш топишга қийналиб юрган эди. Сайёр учрашувда шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази унга 22-умумтаълим мактабида техник ходим бўлиб ишлаш учун йўлланма берди.

Беруний кўчасидаги 9-уй соҳиби Илҳом Эргашев оиланинг ёлғиз боқувчиси. Қарамоғида ногирон фарзанди ҳам бор. Бироқ, ишлаб турган автотранспорт корхонаси маъмуриятидан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантириш хати олиб, қабулхонага мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят, сайёр учрашувда "Махсусюктранс" мажбурияти чекланган жамиятининг ўқиб эшиттирилган маълумотномасига мувофиқ огоҳлантирувчи хат бекор қилиниб, И. Эргашев юк автомашинаси ҳайдовчиси қилиб ишда қолдирилди.

Яна бир мурожаатчи – Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 76-уйда яшовчи Замира Мирзакаримова ҳам халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари аралашуви билан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Ангрен академик лицейига ишга жойлашди.

Самад ЙЎЛДОШ.

Бошланиши 1-бетда.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

Бошланиши 1-бетда.

Бу маҳсулот қулайлиги, кўплаб бошқа ресурсларни тежаши билан ички бозорда харидоргир. Мижозларга қулайлик ва қўшимча хизмат кўрсатиш мақсадида маҳсулотларни махсус юк автомашиналарида етказиб бериш йўлга қўйилган.

Айни пайтда корхонада 23 нафар ёш меҳнат қилмоқда. Келгусида ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш, шунингдек, маҳсулот турини кўпайтириш режалаштирилган.

– Тайёрланаётган қурилиш материалларининг сифатига алоҳида эътибор берамиз, – дейди корхона ишчиси Ислом Содиқов. – Бизнинг маҳсулот бино ташқи фасади учун мўлжалланган бўлиб, турли кўринишда кесиш ва шакл бериш жуда қулай ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига тўлиқ жавоб беради.

Муҳандислик-коммуникация тармоқлари йилдан-йилга кенгайиб бориши билан қурилиш материалларига эҳтиёж ҳам ортмоқда. Ҳозир "Nortec Company" корхонаси маҳсулотлари нафақат вилоятимиз, балки Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона вилоятларида қурилаётган турли замонавий тураржой бинолари, ижтимоий, ишлаб чиқариш ва савдо мажмуаларининг пойдеворини кўтаришда ишлатилмоқда.

– Юртимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайгани сари қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган янги лойиҳалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, – дейди Абдусамад Ҳамдамов. – Корхонамиз замонавий техникалар билан жиҳозлангани маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини анча кўпайишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳсулотларимизга нисбатан ўсиб бораётган талабни қондириш учун ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида қўшимча саъмоялар жалб этишни мақсад қилганмиз.

Сифатли маҳсулот харидор эътиборидан четда қолмайди. Бугунги кун тадбиркори ўз фаолиятини шу жиҳатни инобатга олиб ташкил қилса, ютқазмайди. Натижада, ички бозор рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлиб, харидорларнинг танлаш имконияти янада кенгаяди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«ЯГОНА ДАРЧА»:

ЎТТИЗ ДАҚИҚА КИФОЯ



– Мутахассисларимиз жорий йилнинг январь-май ойларида аҳолига 960 дан ортиқ хизматлар кўрсатди.

Ушбу марказда ҳам тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш ишларини интернет тармоғидаги автоматлаштирилган тизим орқали 24 соат узлуксиз амалга ошириш тартиби жорий этилган. Мазкур тизим орқали рўйхатга олиш ҳақида қарор қабул қилиш, статистик кодларни олиш, муҳр ва штамп эскизини тасдиқлаш ҳамда солиқ тўловчининг индентификация рақамини бериш бор-йўғи 30 дақиқа ичида расмийлаштирилмоқда.

Янги тизим давлат бошқаруви органларига кичик бизнес ва тадбиркорлик учун зарур шароит яратиш, уларнинг моддий ресурслардан фойдаланишини кенгайтириш, жойларда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳамда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида зарур бўладиган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини ҳам бермоқда.

Булар тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишни янги сифат босқичига кўтариш билан бирга аҳолининг давлатга нисбатан ишончи ошишига, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу ғояни ҳаётга жорий этишга кўмаклашади.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.

Бошланиши 1-бетда.

❑ Аёл ва жамият

КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Коррупция нима? Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, унинг аломатлари, шахсий манфаатдорликни қандай тушуниш керак?

Шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятни идрок эта оламизми? Аввало, бу атамаларнинг мазмун-моҳиятини қандай тушуниш керак?..

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва прокуратура билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган тадбирда шулар ҳақида сўз борди. Унда вилоят халқ таълими, тиббиёт муассасалари ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг раҳбар аёллари иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева сўзга чиқиб, давлат ва жамият ҳавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири коррупцияга қарши курашиш экани, бунда раҳбар аёлларнинг алоҳида ўрни бўлиши кераклигини таъкидлади.

Бу борада аёлларда-ги дахлдорлик туйғуси, воқеликка холис, одилона баҳо бериш, камчиликларга, ҳуқуқбузарликларга муросасиз курашиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, вилоят прокуратураси масъул ходими коррупцияга қарши курашиш бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Ўз мухбиримиз.

❑ Тажриба

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиб, болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш учун зарур шароитлар яратиш, боғчаларда уларни мактабга мукаммал тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш зарурлиги таъкидланган.

БИРГАЛИКДА ЎРГАНАМИЗ

Дарҳақиқат, мактабгача таълим жараёнини янгилаш, яъни давр талаби асосида ташкил этиш ҳар бир тарбиячи-педагогнинг бугунги кундаги муҳим вазифасидир. Боғча ёшидаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналар билан ҳамкорлик қилиш яхши самара беради. Оилаларда болаларни мактабга тайёрлаш турлича кечади. Баъзи ота-оналар фарзандларига фақат ёзиш ва алифбони ўргатадилар ёки китоб ўқиб бериш билан чекланадилар.

Биз Оҳангарон туманидаги "Истиқлол" мактабгача таълим муассасасида олиб бораётган уч йиллик тажрибамиздан шундай хулосага келдикки, ота-она ҳам, тарбиячи ҳам болалар ўз имкониятларини намоён этишлари учун шароит яратиб беришлари, ҳам ақлан, ҳам жисмонан ўсишларига кўмаклашишлари лозим. Тарбиячи ўтказилган машғулот мавзусидан келиб чиқиб, ота-оналарга уй вазифа беради. Яъни, тасвирий машғулотда чизган расм ёки рангли қоғоз парчаларидан нарса ясаган бўлса, қўшимчасига уйда ота-она билан бирга яна шу мавзуга оид расмлар чизиш юзасидан топшириқ беради, бажарилган ишни тарбиячи, ота-она ва бола йиғмажилдида тўплаб боради. Бу жараёнга оилаларни жалб этиш болаларнинг билимини бойитишда, қизиқишлари ва уйдаги таълим-тарбия воситаси сифатида фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга.

Тарбиячилар боланинг мактаб таълимига тайёрлигига оид тасаввурларини янада чуқурлаштириш учун унинг уйдаги фаолияти ва берилган вазифани бажаришдаги устун ва заиф томонларини ота-оналар билан муҳокама этишлари зарур.

Баъзи ота-оналар фарзандига ва ўзига берилган вазифани бажаришни истамайдилар. Бунда тарбиячи нима қилиши керак? Тажрибаларимиз оила ва тарбиячининг педагогик қараши ҳамда мақсадлари ҳар доим ҳам мос келмаслигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ота-оналар билан мунтазам мулоқотда бўлиш мақсадга мувофиқдир. Ўқув йилининг бошидаёқ ушбу масаланинг муҳокама этилиши келгусидаги мулоқотни йўлга қўйишга ёрдам беради.

Демак, ота-она ва бола бажарган вазифалар йиғмажилди болада "Мен" концепцияси ривожланишига, "Менинг оилам" тушунчаси мустаҳкамланишига хизмат қилади, ҳар бир тарбияланувчининг ўзига хос хислатлари ва интеллектуал имкониятларини намоён этишига ёрдам беради. Боланинг мактабгача таълим муассасасидаги ва оиладаги фаолияти ҳар томонлама ривожланишига замин яратади, ота-оналар ва мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг ҳамкорликдаги фаолиятини янада мустаҳкамлайди.

Т. ҲУРВАЛИЕВА,
Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти доценти, педагогика фанлари номзоди.
Х. КЎЧИМОВА,
Оҳангарон туманидаги "Истиқлол" номли боғча тарбиячиси.

ИЖРО, НАЗОРАТ, НАТИЖА

Тадбиркорлар учун яратилган кенг имконияту имтиёзлардан самарали фойдаланаётган соҳа вакиллари юртимиз иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бироқ, фаолиятини амалдаги қонун талаблари асосида ривожлантириш ўрнига қонунбузарлик йўллари билан даромадини оширишга уринаётган тадбиркорлар ҳам учраб туради.

❑ Солиқ идораларида

Давлат солиқ хизмати органларининг "ишонч телефон"ларига мурожаатлар изчил таҳлил этиб борилмоқда. Хусусан, ўтган ҳафтада 26 та, шундан 1 та юридик ва 25 та жисмоний шахсларнинг мурожаатлари қабул қилиниб, рўйхатга олинди ва белгиланган тартибда ижросига киришилди.

Республика Президентининг 2017 йил 15 февралдаги "Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган ҳафтада жойларда назорат-касса машинаси ва тўлов терминалидан фойдаланмаслик ҳамда тушумларни банк кассаларига тўлиқ топширмаслик ҳолатлари юзасидан ўтказилган 135 та текширишнинг ҳаммасида қоидабузарликка йўл қўйилгани аниқланди. Аксарият савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектлари назорат-касса машинасини ишлатмаяпти, тушумларни банк кассаларига топширмай, яшираяпти, тўлов шаклидан келиб чиқиб, нархларни сунъий ошираяпти, ҳисоб-китоб терминалидан фойдаланиш қоидаларини бузаяпти. Шу каби ва ҳеч қандай ҳужжатларсиз товарларни ноқонуний сотиш каби ҳолатларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ҳафта давомида бино, иншоот ёки уларнинг бир қисмини, тураржойни нотариал тасдиқланган шартномасиз ижарага ёки текин фойдаланишга берган, уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаган, даромадлар тўғрисидаги декларацияни солиқ органига ўз вақтида тақдим этмаган, ноқонуний тадбиркорлик ҳамда автотранспортда йўловчи ташиш фаолиятлари билан шуғулланган, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган, солиқ ҳисоботини вақтида тақдим этмаган, дебиторлик қарзи муддатини ўтказиб юборган, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка ўз вақтида тақдим этмаган ва бошқа қонунбузарликларга йўл қўйган 443 нафар мансабдор шахсга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар тузилди.

Назорат тадбирлари давомида солиққа оид ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этиб, у аниқланган пайтдан бошлаб ўттиз кун муддат ичида оқибатларини бартараф этган ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пеня ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган 14 та тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ва якка тартибдаги тадбиркорлар маъмурий жавобгарликдан озод этилди.

Шунингдек, ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини биринчи марта содир этиб, ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан бошлаб ўттиз кун муддат ичида тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган ва давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган 3 нафар жисмоний шахс ҳам судлар томонидан маъмурий жавобгарликдан озод қилинди.

Лобар АЗАМАТОВА,
вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси.

❑ Хабарингиз борми?

Мамлакатимизда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ПЕНСИОНЕРЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 мартдаги "Пенсия ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига кўра, Халқ банки пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича ягона ваколатли молия муассасаси қилиб белгиланди.

Айни вақтда пенсия ва нафақаларни пенсионерларнинг ўзлари истиқомат қиладиган маҳаллаларда нақд пул шаклида тарқатиш йўлга қўйилди. Мустақил ҳаракатланиш имкониятига эга бўлмаган шахслар, бетоб кишиларга пенсия ва нафақалар уйларига етказиб берилаётгани ёши улуғларимизни мамнун этмоқда.

Банк ахборот хизматидан маълум қилишларича, мазкур йўналишда янги лойиҳа амалиётга жорий этилган. Пенсия маблағлари тарқатилиши жараёнида юзага келадиган муаммо ва шикоятларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида "ишонч телефони" хизмати ташкил этилган. Эндиликда пенсионерлар ўз пулларини олиш жараёнидаги ҳар қандай муаммо юзасидан "1106" қисқа рақами орқали мурожаат қилиши мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар кексаларга нафақат моддий, айни пайтда маънавий-руҳий мадад бўлаётир.

С. ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

❑ Қишлоқ мулкдорлари

ФЕРМЕРНИНГ НИЯТИ КАТТА, ҚАДАМИ ДАДИЛ

Бугун Юқори Чирчиқ туманидаги "Прогресс агросервис" фермер хўжалиги дала шийпонида бўлган киши унинг тўрт йилгина аввал ташкил этилганига ишонмаслиги мумкин. Соя-салқин оромгоҳда аёллар ва эркаклар учун алоҳида дам олиш ва душхоналар. Замонавий ошхонада уч маҳал иссиқ овқат. 21 киши бир оила аъзоларидек ҳамжиҳат ишлашади ва вақтида маданий ҳордиқ чиқаришади.



Бу ҳали ҳаммаси эмас. Асосий гап шу қисқа вақт ичида хўжалик қандай қилиб тумандаги йирик, кўп тармоқли ва иқтисодий бақувват, мухтасар қилиб айтганда, четдан ҳеч қандай ёрдамга муҳтож бўлмаган, ўзини ўзи ҳар жиҳатдан эплайдиган хўжаликка айланганида.

Бир бошдан айтадиган бўлсак, 2013 йилда 93 гектар ерда беш киши биттагина МТЗ-80 чопиқ трактори билан иш бошлаган эди. Фақат пахта ва ғалла етиштиришарди. Синов йили ўтиб, кейинги мавсумда ҳар икки экиндан тўманнинг олди хўжаликлари қатори юқори ҳосил олингач, яна 11,7 гектар ер қўшиб берилди. Энди 104,7 гектар майдонда хўжаликнинг 21 аъзоси ишлай бошлади.

2016 йилда хўжалик тумандаги кўпчилик фермерлар ҳавас қилса арзийдиган натижаларга эришди. 63,7 гектар майдондаги ғалладан шартномада белгиланган 22 центнер ўрнига 30 центнер ҳосибидан ҳосил топширилганда ҳам ўзларига 52 тонна буғдой қолди. С-65-24 нав пахта ҳам 40 центнердан ҳосил тўкди. Биринчи теримдаёқ давлат шартномаси ортиғи билан бажарилиб, пахтанинг ҳаммаси биринчи навга сотилиб, даромад баракали бўлди.

Деҳқончиликда "даромадга яраша буромад" деган гап бор. Узоқни кўзлайдиган фермер хўжалигини ҳар жиҳатдан обдон мустаҳкамлаб олмагунча, даромадни оқилона тасарруф қилиб боради. "Прогресс агросервис" раҳбари Тўлқин Жўраев шундай қилди.

104,7 гектар озгина майдон эмас. Шунча ердаги деҳқончилик юмушларини техникасиз эплаб бўлмайди. Шуни ҳисобга олган фермер дастлабки йилданоқ хўжаликнинг топган даромадини техника воситалари доимо соз ҳолда туради. Четдан техника ёллаб, беҳуда маблағ сарфлашга ҳожат йўқ. Аксинча, қўшни фермер хўжаликларига бу борада ёрдам бериб туради. Бунинг натижасида хўжалик ҳам пахта ва ғаллачиликда барқарорликка эришгач, аввал сабзавотчиликни йўлга қўйдик.

Фермернинг айтишича, бу тармоқ ҳам кейинчалик имкон даражасида кенгайтирилади. Ҳозир 9 гектар майдондаги дуккакли дон (соя), 3 гектардан зиёд ердаги картошка, сабзи, пиёз, карамнинг авжи кўзни қувнатади. Иш юритувчи Соибжон Маҳкамовнинг гапига қараганда, хўжалик тумандаги 9 та боғчани сабзавот маҳсулотлари билан шартнома асосида таъминлаб турар экан.

– Яна бир мақсадимиз – чорвачиликни хўжалигимизнинг асосий тармоғига айлантириш, – дейди С. Маҳкамов. – Шу ниятда 2015 йили Германиядан 34 бош қора-ола "Голштейн" зотли сигир олиб келгандик. Бугун қорамол туёғи 78 тага етди. Шундан 54 таси соғин сигир. Ҳар бири 20-25 литрдан сут бераяпти. Дарвоқе, тармоқни сутчиликка ихтисослаштираяпмиз. Шу йил охиригача сутни қайта ишлаш цехини қурамиз ва яна 4 ҳамкишлоғимизни муқим ишли қиламиз.

Яхши ният – ярим мол. Икки йилда чорва туёғини икки баравардан зиёд кўпайтиришни эплаган фермер қайта ишлаш цехини ҳам, албатта, қуради. Буни ишонч билан айтишимизнинг боиси бор. Хўжалик апрель ойида нон ёпиш цехини қуриб, ишга туширди. Ҳозир кунига 1000 буханка нон сотилаяпти.

– Техникаларимизни бутлаб олгач, улар учун зарур эҳтиёт қисмлар ҳам ўзимиздан чиқса, янада мустақил бўлардик, деган фикрга келдик, – дейди хўжалик механизатори Бўрибой Нодирматов. – Муҳими, ушбу ниятимиз ҳам рўёбга чиқа бошлади. Эҳтиёт қисмлар тайёрланадиган цехга ўрнатиш учун керакли дастгоҳлар келтириб қўйилди. Ёшларга иш ўргатишни ҳадемай бошлаймиз. Қишлоғимиз ёшларидан яна ўн нафари ишли бўлади.

Пировардида хўжаликнинг ғалла ва пахта майдонларида бўлдик, 63,7 гектардаги "Гром" навли буғдой қалин бошоқлаган. Пояси сарғайиб, ҳадемай ўрим-йиғим бошланишидан дарак бериб турибди. Ҳосилдорлик ўтган мавсумдагидан юқори бўлиши кутилаяпти.

– Бу йил 30 гектарга биринчи марта "Султон" навли ғўза чигитини экдик, – дейди хўжалик сувчиси Ғайрат Азаматов. – Шеригим Мурод Каримов билан ҳам илдизидан шарбат сувига, ҳам танаси орқали суспензияга қондирганимиз учун авжи баланд.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Азамат АҲМЕДОВ (сурат), "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

❑ Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, кўп йиллик тарихга эга миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, ёш авлод қалбида уларга ҳурмат руҳини шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратилмоқда.

ТЎГАРАКЛАРДА ТОБЛАНАЁТГАН МАҲОРАТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу йўналишда муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳужжат асосида жойлардаги маданият уйлари негизида барпо этилаётган барча қулайликларга эга, замонавий кўриниш ва янгиланган моддий-техник база билан мустаҳкамланган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари аҳолининг маданий ва бадиий эҳтиёжларини қондириш, энг муҳими, болалар ўртасида театр, мусиқа, тасвирий ва бошқа санъат турларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ангрен шаҳридаги "Ёшлар" маданият ва аҳоли дам олиш маркази бунга ёрқин мисол бўла олади. Бугунги кунда ушбу марказда фаолият кўрсатиб келаётган тўғараклар турли ёшдаги 600 дан ортиқ санъат ва маданият ихлосмандларини қамраб олган.

Тажрибали мураббийлар раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган "Замин" театр санъати тўгараги аллақачон ўз мухлисларини топиб улгурди. Бу ерда қисқа фурсат давомида маҳаллий йигит ва қизлардан иборат ижодий жамоа шаклланиб, улар томонидан миллий ва дунё классик асарлари саҳналаштирилмоқда. Ҳозир шаҳарда бўлиб ўтаётган байрам тадбирлари ушбу жамоанинг иштирокисиз ўтмайди. Мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари эса марказдаги "Наво" эстрада ҳамда "Ҳаёт" рақс тўгаракларида қатнашиб, ижро ва саҳна санъати сирларини ўзлаштиришаётир.

Марказда фаолият кўрсатиб келаётган "Карапуз" деб номланган рақс ва қўшиқ тўгарагининг кичкинтойлари шаҳар ва вилоят танловларида фаол иштирок этиб, бир қатор совринли ўринларни қўлга киритди. Кекса ёшдаги аёллар иштирокида халқ қўшиқларини ижро этувчи ижодий жамоанинг чиқишлари ҳам аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Дарвоқе, уларни шаҳарда "Ангренлик бувижонлар" деб аташади.

– Биз барча ёшдаги-лар ўртасида санъат, маданиятни оммалаштириш, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, турли мавзуларда маърифий-маънавий тадбирларни ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – дейди "Ёшлар" маркази раҳбари Атҳам Аҳмедов. – Ўйлайманки, Президентимизнинг жорий йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори маданият ва санъатни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқади.

Дарҳақиқат, марказда ўтказилаётган тадбирлар халқ истеъдодлари ўртасида театр, мусиқа, хореография ва эстрада санъатини янада ривожлантириш, истеъдодли ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилаётгани билан аҳамиятлидир.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.



ҲАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ҳарбий таълим тизимининг самарадорлигини ошириш мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур тизим бугунги кунда ҳарбий хизматчиларга таълим бериш, профессионал жиҳатдан қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, педагогик ва илмий кадрлар тайёрлаш масалаларида муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълим жараёнига энг янги усул ва технологияларни жорий этиш, ўқув аудиторияларини замонавий тренажёрлар, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун номзодларни танлаб олиш бўйича қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимига янгиликлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 майдаги қарорига асосан Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришнинг ягона танлов тизими жорий этилди. Бу тизим тест синовлари натижалари бўйича энг юқори балл тўплаган номзодлар орасидан олий ҳарбий таълим муассасаларини тўлдириш имконини беради.

– Тизимда ўтказилаётган бундай ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – олий ҳарбий таълим муассасаларига фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган, интеллектуал салоҳиятли, жисмонан бақувват ва соғлом ёшларни саралаб олишдан иборат, – дейди Мудофаа вазирлиги Ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳасан Халилов. – Бу миллий армиямизни малакали ва етук кадрлар билан таъминлаш, Қуролли Кучлар салоҳиятини янада ошириш ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда мутахассислар ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимига киритилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар хусусида маълумот берди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎзА мухбири.

❑ Танлов

Янгибозор ахборот-ресурс марказида "Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман!" ғояси асосида "Ёш сиёсатчи – 2017" кўрик-танлови ташкил этилди.

ВАТАНИМ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШАМАН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари ҳамкорлигида ўтказилган танловда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар лойиҳа тақдимоти, билимдон сиёсатчи, нотиқлик санъати каби шартлар бўйича ўзаро беллашди. Улар томонидан янги иш ўринларини яратиш, ёшларни жамоатчилик, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда ва маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда тегишли муаммоларни ҳал этиш юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳалар тақдим этилди.

Танлов якунларига кўра туман Бандликка кўмаклашиш маркази ходимаси Шаҳноза Шайдуллаева ғолиб бўлиб, танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент Архитектура қурилиш институти талабаси Достон Жалилов ҳамда туман Қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Раъно Жалолова ва Зилола Намозова эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Реклама ва эълонлар

БИЛДИРГИ
"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ

Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 5 июнь кунидаги 8072/2-сонли хатига ва суд департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 5 июнь кунидаги хатларига асосан қуйидагиларни маълум қилади:

Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 5 июнь кунидаги 8072/2-сонли хатига ва суд департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 5 июнь кунидаги 11-01-2064/2-сонли хатига асосан, суд департаментининг 2017 йил 5 июнь кунидаги 20-05/01-258-сонли топшириқ хатига биноан, суд департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларидаги ижро ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилаётганлигини инобатга олган ҳолда, суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан реализация қилиш учун аукцион савдоларига чиқарилган барча турдаги кўчмас мулклар бўйича аукцион савдолари, суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва суд департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қўшимча кўрсатмалар берилгунга қадар вақтинча тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ "Poytaxt" филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига "ЎзМилийбанк" Тошкент вилояти бўлими балансидаги Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўрмон ҚФЙ, О. Ғозихонов 2-тор кўчаси, умумий ер майдони 0,069 Га, фойдали майдони 540,32 кв.м. бўлган 2 қаватли дўкон биноси, бостирма қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 396 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 10 июль куни соат 12.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уйда бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 7 июль куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулк 2017 йил 10 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2017 йил 13 июль, 17 июль, 20 июль ва 24 июль кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 13 июлдаги такрорий савдолар учун 11 июль, 17 июлдаги аукцион савдоси учун 14 июль, 20 июлдаги аукцион савдоси учун 18 июль ва 24 июлдаги аукцион савдоси учун 21 июль куни соат 18.00 гача.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 календарь кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловлар савдо ғолиби аниқланган кундан бошлаб 15 банк иш куни ичида тўлиқ амалга оширилиши шарт.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ "Poytaxt" филиалининг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига аукцион савдосида қатнашиш учун ариза ёзгунга қадар тўлашлари шарт: 20208000204920609032, МФО 01036, ИНН 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Тел.: 233-54-96. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz.

Лицензия: RR-0001.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ

Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдолари вақтинча тўхтатилиб туришини маълум килади!

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси суд ижрочиларининг туман бўлими томонидан 06.06.2017 йилда юборилган № 20-05/01-258-сонли 05.06.2017 йилдаги суд департаменти марказий аппаратининг топшириқ хатига асосан, суд департаментининг ҳудудий бошқармалари ва суд ижрочиларининг туман, шаҳар ҳамда вилоят суд ижрочилари томонидан ижро ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилаётганлиги сабабли, аукцион ҳамда ихтисослаштирилган савдо ташкилотлари орқали сотувга қўйилган ҳамда сотувда турган барча автотранспорт воситаларини қўшимча кўрсатма берилгунига қадар аукцион савдолари вақтинча тўхтатилиб туришини маълум қиламиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Телефонлар: (371) 233-61-44, (+99897) 764-81-86. www.agb.uz

Гувоҳнома № 004593.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Зангиота тумани ҳокимлиги "Фишткўприк" маҳалласи, Чимкент йўли кўчаси бўйида 1,24 Га. ер майдонида қуриладиган савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, меҳмонхона, миллий таомлар, бизнес-сервис каби хизматларни ўз ичига олган замонавий мажмуа қурилишида қатнашишни хоҳловчи тадбиркорларни ўз лойиҳалари билан иштирок этишга таклиф этади.

Мурожаат учун телефонлар:

(0371) 150-94-40, 150-94-41, (+99897) 738-19-77.

Зангиота тумани ҳокимлиги.

Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан, "Kamolot Sari Trans" МЧЖнинг "ГБА СПГ Исузу" русумли, давлат рақами 01F032VA бўлган транспорт воситасига берилган АТ серияли, рақами 0065062, амал қилиш муддати 2017 йил 7 июлгача бўлган лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили –
www.thtp.uz
орқали ҳам танишишингиз мумкин.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли касб эгалари орасида спортни янада оммалаштириш мақсадида кўплаб хайрли ташаббуслар ишлар амалга оширилмоқда.

❑ Ташаббус

САЛОМАТЛИК ВА ДЎСТЛИК МУСОБАҚАСИ



Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида шахмат, шашка, стол тенниси ва югуриш бўйича ўтказилган мусобақа ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат 130 нафарга яқин ҳаваскор спортчилар иштирок этган баҳслар қизғин ва муросасиз курашларга бой бўлди.

Тадбирда элимиз ардоғидаги санъаткорлар ва спортчиларнинг чиқишлари даврага янада файз бағишлади.

Якунда ғолиб ва совриндорларга ташкилотчи таҳририятнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.
Рашид ҒАЛИЕВ олган сурат.

❑ Дарвоқе

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йили Россияда бўладиган Жаҳон чемпионатига чиқиш учун курашни давом эттирмоқда.



ТЎП ҲАМ, ҚЎЛҚОП ҲАМ ЧАРМДАН

Футболчиларимиз Осиё минтақаси саралаш турнирининг учинчи босқичида "А" гуруҳида Эрон, Жанубий Корея, Сурия, Хитой ва Қатар терма жамоалари билан рақобатлашмоқда.

Гуруҳ баҳсларида еттита учрашувнинг тўрттасида зафар қучган ўзбекистонлик чарм тўп усталари, ҳозирча 12 очко билан мусобақа жадвалида учинчи ўринни эгаллаб турибди. Қоидага кўра, гуруҳда юқори икки поғонани эгаллаган терма жамоаларга Жаҳон чемпионати йўлланмаси берилади, учинчи ўрин соҳиби эса қўшимча саралаш беллашувларида иштирок этади.

Терма жамоа мураббийлари ташаббусига кўра, мураккаб саралаш турнирининг муҳим учрашувлари олдидан футболчиларнинг руҳиятини кўтариш, ғалабага илҳомлантириш мақсадида жаҳон спорт майдонларида улкан ғалабаларни қўлга киритиб келаётган бокс усталари билан учрашув ташкил этилди.

Чирчиқ олимпия захиралари коллежи тарбияланувчилари – Муроджон Аҳмадалиев, Элнур Абдураимов, Исроил Мадримов, Баҳодир Жалолов, фарғоналик Бектемир Меликўзиев, бухоролик Шаҳрам Ғиёсов каби етакчи боксчилар учрашув давомида Рио Олимпиадаси, Тошкентдаги Осиё чемпионати, жаҳон миқёсидаги юқори нуфузли мусобақалардаги ғалабалари тафсилотлари ва таассуротлари билан ўртоқлашишди.

– Қайси спорт тури бўлмасин, халқаро майдондаги ғалабалар давлатимизни жаҳон узра кенгроқ танитиш, халқимиз ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади, – деди бўстонлиқлик Осиё чемпиони Элнур Абдураимов. – Футболчиларимиз мураккаб вазифа – 2018 йилги мундиалга чиқиш учун курашмоқда. Дўстона ўтган учрашувда биз ўз тажрибаларимиз, таассуротларимиз билан ўртоқлашдик, футболчиларга бўлажак ўйинларда муваффақият ва ғалаба тиладик, мухлислар уларга ишонишини айтдик. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам ўз ғалабалари билан мухлисларни хушнуд этишига тилакдошмиз.

Миллий терма жамоамиз футболчилари Жаҳон чемпионати саралаш гуруҳидаги саккизинчи учрашувни 12 июнь куни сафарда пешқадам жамоа – Эронга қарши ўтказади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«ОРАНГИЗДА ОТАМ БЎЛСАЙДИ...»

Зангиоталик уруш фахрийси, "бир қўлини жанггоҳларда қолдириб келган" Михаил Камоловни ҳамқишлоқлари ҳамон ҳурмат билан эслашади. Ўн саккиз ёшида фронтга кетиб, айни йигитлик чоғида қўлсиз қолганига қарамай, оддий аскар М. Камолов жароҳатини даволатиб, урушнинг сўнгги кунигача қайта-қайта жангга кирди.

❑ Хотира азиз

– Ғалабадан кейингина уйга қайтган отам умрини қишлоқ хўжалик ишларига бағишлади, – дейди қизи Гулбаҳор Мирзакаримова. – Онам билан беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказди-ю, аммо ўғил-қизнинг роҳатини кўриш, кексалик гаштини суриш насиб этмади. Уруш жароҳатларидан вужуди хаста отам 1976 йили вафот этди. Шу-шу уруш фахрийларини кўрганда: "Орангизда отам бўлсайди", дея армон қиламан. Айниқса, кексалари эъзозда, фахрийлари доимий эътиборда бўлган мустақил Ўзбекистонимиздаги бугунги юксалишларни кўрганларида қандай яхши бўларди, дея ўкинаман. Тўғри, "Михаил Камоловга ўхшаган қанча-қанча ватандошларимизга юртига қайтиб келиш насиб этмаган", дейишингиз мумкин. Лекин, бир қўллаб трактор ҳайдаган, кейинчалик, 30 йил давомида ёшларга ҳайдовчилик касбини ўргатган уруш ва меҳнат фахрийсига ўз вақтида муносиб эътибор кўрсатилмаганига, "Қани эди, дорилмамон кунлар файзидан сиз ҳам баҳраманд бўлганингизда...", дея баъзан ачинаман.

Гулбаҳор: "Отажонимдан қолган ёдгорлик", деб етмиш икки йилдан буён сақланиб келаётган "Ташаккурнома"ни кўрсатади. Унда шундай сатрлар бор:

"...Сиз фронтдан ғолиб аскар сифатида қайтмоқдасиз... Сиз хизмат қилган Гвардия қўшилмаси фашист босқинчиларига қарши курашда жанговар топшириқни мардона бажарганлиги учун қўмондонликнинг ўнга яқин ташаккурномаси, "Қизил байроқ", II даражали Суворов ордени билан тақдирланди. Сиз биз билан бирга Керчь, Донбасс шаҳарлари, Белоруссия, Болтиқбўйи мамлакатларини озод қилдингиз. Кенигсбергни, Пиллани забт этишда қатнашдингиз...

Қисм командири, генерал-майор И. Яковлев."

Отаси ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаётган Гулбаҳорнинг армонларини тушуниш қийин эмас. Аммо, тақдир ёзиғидан ҳеч ким қочиб қутулолмаслиги ҳам бор гап. Шукрки, "от ўрнини той босар" деганларидек, ўғиллари Тоҳиржон, Ботиржонлар ҳам қишлоқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган деҳқонлардан. Шифокор, ўқитувчи қизлари эса уруш ва меҳнат фахрийси, қатор орден ва медаллар соҳиби Михаил Камолов билан фахрланиб яшашмоқда.

– Яқинда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан туманимизда ўтказилган "Хотира азиз, қадр муқаддас" деб номланган катта байрам тадбирига таклиф этишди, – дейди Гулбаҳор. – Уруш фахрийлари қаторида амаким, туман фермерлар уюшмаси раиси Тўхтамурод Камолов ҳам бор эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этган шундай ажойиб байрамда қатнашар эканман, кўнглимдан: "Эътибор, эъзозлар учун ташаккур", деган сўзлар кечди.

Илоҳим, бугунги тинч-осуда, фаровон ҳаётимиз бардавом бўлсин, дея ният қилдим.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ПЕДАГОГЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Спорт – тинчлик ва дўстлик тимсоли" шиори остида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилаётган чемпионлар, спорт усталари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари иштирок этди.



Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

❑ Учрашув

Институтнинг "Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим" кафедраси томонидан уюштирилган учрашувда оғир атлетика бўйича Олимпия чемпиони Руслан Нуридинов, республика Оғир атлетика федерацияси фахрийлар кенгаши раиси Эркин Каримов, Баҳодирлар ўйини ва тош кўтариш федерацияси вице-президенти Абдувоҳид Нажмиддинов ҳамда тош кўтариш спорти бўйича ёшлар ўртасида икки карра Жаҳон чемпиони Сабина Мирзаева сўзга чиқиб, халқаро майдонда эришилаётган натижалари ва бунда устоз-мураббийларнинг тутган ўрни хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини бирдиришди.

Қизғин савол-жавобларга бой тарзда ўтган тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Лазиз ИСОҚОВ.

КЕЛИННИНГ СЕПИГА КИТОБ ҚЎШАЙЛИК

Яқинда Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг кичкинтойларга аталган илк туҳфаси – "Эркатой – эрка той" китобининг тақдимоти бўлди. Мўъжаз тўпламдаги жозибадор сатрлар, сўз ўйинига асосланган иккиликлар ҳақида кўпчилик тўлқинланиб гапирди. Шу издиҳомда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг китобхонлик ҳақидаги фикрлари каттаю кичикнинг эътиборини тортди.

– Мамлакатда китобхонлик ривожланиши учун аввало, оилада ота-она болага ҳар куни китоб ўқиб бериши шарт, – деди Х. Тўхтабоев. – Иннайкейин, мактаблардаги ўқитувчилар, синф раҳбарлари жуда китобхон бўлиши керак, яна маҳалладаги кутубхоналарда ҳар куни мутолаа байрамларини, танловларини уюштириш лозим, қолаверса, ёзувчи-шоирлар билан маҳаллаларда, таълим масканларида мунтазам равишда мана бундай янги, яхши асарлар тақдимотларини ўтказиш зарур.

Дунё болалар адабиётининг йирик вакилларидан бири бўлган Худойберди Тўхтабоев ўз мулоҳазалари билан ўғил-қизларни китобхонлик муҳитига жалб этишнинг аниқ-тиниқ манзарасини тасвирлаб берди, дейиш мумкин. Зеро, юртимизда мутолаа маданиятини янада юксалтириш бугун давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Муҳтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг 12 январида эълон қилинган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Мазкур ҳужжатда китоб сотишга ихтисослашган корхоналар томонидан таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда янги китоблар тақдимотини ўтказиш, мутолаа маданиятини ошириш, шу жумладан, оммавий-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган тадбирлар етарли эмаслиги таъкидланган. Шунинг учун чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш, таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш, айниқса, мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмаларини шакллантириш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

❑ Маънавият

Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам "Китоб (битиг) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идроқнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир", дея ўрта асрлардаги икки Шарқ уйғониш даврининг тамал тошини қўйган. Ушбу маърифат пойдевори сабаб кейинчалик не-не илм кошоналари қад ростлаганини, қанча улуғ алломалар камолга етганини, кўпгина кашфиётлар амалга ошганини бугун бутун дунё ҳайрат ва ҳавас билан эътироф этмоқда. Уларнинг барчасига китобга кўрсатилган эҳтиром туфайли эришилди. Энди шу ҳолатнинг аксини, Қодирий тили билан айтганда "кирлик замонлар"даги халқимиз аҳволини кўз олдингизга келтиринг. Бу борада биргина Абдурауф Фитратнинг "Ҳинд сайёҳи баёноти" асаридаги манзаралар етарли хулоса чиқаришга кифоя қилади. Алқисса, бир пайтлар дунёга 400 аллома берган Бухорои шариф кўчалари тангу торлиги, кишилар дунёқараши бидъату хурофотга ботганлиги, мадрасалардан маърифат юз ўгиргани, тиббиёт ночор аҳволга тушиб қолгани надомат билан ҳикоя қилинади. Буларнинг барчасига китоббехабарлик сабаб бўлгани таъкидланади. Ана шундай аҳволдаги Бухоро истибдодга маҳкум эди, дея аччиқ хулоса чиқаради ҳинд сайёҳи тилидан Фитрат домла ўз асарида. Демакки, илму маърифатдан, китобдан айро миллат тақдири аянчли оқибатларга етаклайди...

Грузияда бир яхши анъана бор экан: агар Шота Руставелининг "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" китоби бўлмаса келинлар сепи кемтик ҳисобланаркан. Қандай ажойиб қадрият! Ўрнак олса арзийди! Бизда келинлар сепинию кўнгил маҳзанини тўлдирадиган китоблар озми?

Фарзандларимизга ҳеч бўлмаса, ойда иккита китоб совға қилиб, ўзимиз ҳам биргаликда мутолаага вақт ажратсак эртанги кунимиз бундан-да ёруғ бўлиши шубҳасиз. Ахир, китоб – тафаккурни ёритувчи офтоб, дея бежиз таърифланмаган!

Шоира БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Рамазон ҳикмати

Новвойнинг илтижоси

Бу воқеани кекса ҳамқишлоғимиз Ориф ота гапириб бергандилар.

Бир маҳаллар қишлоғимизда Мирусмон бува исмли новвой яшаб ўтган экан. Мирусмон бува ҳар куни эрта тонгда икки сават нон ёпиб, тандирхонаси жойлашган гузарнинг кўчасидаги супага чиқариб қўяркан. Ўтган-кетганлар саватдан кераклича нон олиб, шунга лойиқ пулни хамирпешнинг тагига қистириб кетишаркан.

Кечга яқин новвой бўшаган саватни кўтариб, ҳужрасига кирарканда, "сотилган" нонларнинг пулини санаркан. Буни қарангки, худонинг берган куни иккита нонниng пули кам чиқаркан.

Ҳар кунги камомаддан андак мутаассир бўлган Мирусмон новвой қўлини дуога очиб, Яратганга юзланаркан:

– Эй, Худойим! Ўзинг гувоҳсан, ҳар куни иккита нонниng пули кам чиқаяпти. Қайсидир ҳамқишлоғим ҳар куни иккита нонни текин обкетиб, бола-чақасига едираяпти. Ўша инсон буни муҳтожликдан, ноиложликдан қилаётгандир. Сендан ўтиниб сўрайман, мен ўша иккита нонга мингдан-минг розиман, Сен ҳам рози бўл, шу ожиз бандангни гуноҳкор қилма...

Муҳаммад АЪЛО.

❑ Эҳтиром

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида миллий ва жаҳон адабиётининг етук намояндалари таваллуд саналарини кенг нишонлаш анъанага айланган. Зиё масканининг навбатдаги тадбири атоқли рус шоири Александр Пушкин таваллудининг 218 йиллигига бағишланди.

БУЮК ШОИРНИ ЁД ЭТИБ...

Пушкин ижодининг мухлислари, ёш китобхонлар, ота-оналар, педагог-ўқитувчилар жам бўлган кечада Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори И. Аҳмедов шоирнинг ҳаёт йўли, серқирра ижоди ҳақида қизиқарли маълумотларни сўзлаб берди.

Тадбирнинг бадиий-мусиқий қисмида ёш китобхонлар томонидан тайёрланган "Лукоморье бўйида..." саҳна кўриниши намойиш этилди. Ўқувчи-ёшлар шоирнинг юксак инсоний туйғулар тараннум этилган шеърларидан намуналар ўқиб берди, миллий ва жаҳон мумтоз куй-қўшиқларини ижро этди.

– "Алпомиш", "Равшан" каби миллий достонларимиз қатори буюк рус шоири Пушкиннинг олтин хўроз, балиқчи ва балиқ ҳақидаги эртакларини ўқиб улғайганмиз, – дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бош мутахассиси М. Муродова. – Шоирнинг бебаҳо ижоди бугун болаларимизга ҳам қадрли эканига мазкур кечани кузатиб амин бўласиз.

Тадбир доирасида "Авлодлар шоири" деб номлаган кўргазма очилди. Кўргазмага Александр Пушкиннинг болалик, ўсмирлик ва ёшлик даври, ўқиш йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи, унинг бой ижодини ўрганиш, таҳлил қилишга бағишланган китоблар ва илмий рисолалар қўйилган. Шунингдек, буюк шоирнинг танланган асарлари, достонлари, ҳикоя ва балладалари, хатлари, ҳикматлари ҳамда унинг ўз асарларига чизган "Пушкин қўли билан" расмлари жамланмаси ҳам ҳавола этилди.

М. ҲУСАНОВА,
ЎзА мухбири.



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 7 июнь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-14, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-9, кундузи 13-18 даража илиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Назоратчи мусаҳҳиҳ **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-9229. Адади 12 926. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.00.